

АХИЙЛАР КИМЛАР

Жасурбек Махмудов

филология фанлари номзоди, ЎзМУ доценти

Ахий сўзи арабча бўлиб, биродарим (акам ёки укам) маъносини берувчи ҳамда диний атамадир. Бу калима кўпроқ сўфийлар орасида мурожаат сифатида қўлланган. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Ахий Фараж Занжоний, **Ахий Али Мисрий қ. с., Ахий Али Дехистоний р. т.,** Ахий Али Қутлуғшоҳ Шайх Ҳисомуддин Ҳасан бин Муҳаммад бин Ҳусан бин Ахий Турк сингари авлиёлар мисол бўла олади. Аслида ахийлик илдизлари эрамиздан аввалги даврлардаги ижтимоий ҳаётга бориб тақалади. Далил сифатида мазкур калиманинг Қуръони каримда 45 маротаба келтирилгани, барчасида бирор қавмнинг Пайғамбари уларнинг акаси ёки укаси экани, яъни ахий эканлиги бот-бот такрорланганини олиш мумкин. Яратган томонидан қайсидир пайғамбар тўғрисида “у сизларнинг акангиздир ёки укангиздир” дея марҳамат қилинади. Бу ахий сўзининг ижтимоий ҳолатдаги **кўринишидир.** Яратганнинг марҳамати билан Пайғамбарларни худди туғишган акадек ёки укадек кўриш асносида жамиятда улуғ зотларга нисбатан меҳрли бўлишга ҳам чақирилади. Шу ўринда нега бўлмаса ахийлик сиёсий ҳолатга кўчди, нима учун ахийлар ташкилотлари пайдо бўлиб, улар сиёсий майдонда ўз овозига эга бўла бошлади, деган савол туғилади. Бунинг жавобини ҳам Қуръони каримда излаш керак. Яъни, биринчи бора “Ахий” сўзини ишлатган киши Мусо алайҳиссалом эди. У ўз биродари Ҳорунни ўзига “йўлдош, ёрдамчи, ахий” сифатида танланишини Яратгандан сўраган. Натижада, биринчи Ахий деб аталган шахс ҳам аслида Ҳорун а.с. бўлган. Демак, инсон томонидан, аниқроғи Мусо калимуллоҳ томонидан талаб қилинган ахий – бу Ҳорун ва унинг издошлари айнан ахийлардир. Улар жамиятда худди Ҳорун а.с. Мусо а.с.га ёрдамчи бўлгани каби ҳаракат қилишган. Яъни, аввало ўзларига бир пир – раҳнамо танлаб олиб, унинг топшириқлари билан ҳаракат қилганлар. Ахийлар кўпроқ касб-ҳунар эгалари бўлишган.

Ахийлик тушунчаси асосан икки ёки ундан ортиқ кимсанинг уюшма ҳосил қилиши билан боғлиқдир. Фатий сифатининг пайдо бўлишига яқка шахс фаолияти, одоб ахлоқи сабаб бўлган, ахий сифатига эга шахслар эса бировлар томонидан эътироф этилган. Жумладан, Қуръони Каримда “ахий” калимаси билан аталган шахс бу Ҳорун а.с. бўлиб, Мусо а.с.нинг тилидан берилган сифат тарзида қўлланади. Мусо а.с. Қуръон Ҳорунга нисбатан 4 маротаба “Ахий” деган номни қўллаган:

(25) قَالَ رَبِّ إِنِّي لَا أَمْلِكُ إِلَّا نَفْسِي وَأَخِي فَافْرِقْ بَيْنَنَا وَقَوْمِ الْفَاسِقِينَ

(Мусо) айтди: "Эй, Раббим! Мен фақат ўзим ва биродарим (Ҳорун)га эгалик қилурман. Бас, бизни у фосиқлар қавмидан (Ўзинг) ажрим қилгин!" (Моида, 25)

(30) هَارُونَ أَخِي

Ya'ni, birodarim Horunni. (Тоҳо)

وَأَخِي هَارُونُ هُوَ أَفْصَحُ مِنِّي لِسَانًا فَأَرْسَلْهُ مَعِيَ رِدْءًا يُصَدِّقُنِي إِنِّي أَخَافُ أَنْ يُكَدِّبُونَ (34)

Биродарим Ҳорун мендан кўра тили бурророқ. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлг'ончи қилишларидан қорқурман". (Қасас, 34)

قَالَ رَبِّ اغْفِرْ لِي وَوَأَخِي وَأَدْخِلْنَا فِي رَحْمَتِكَ وَأَنْتَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ (151)

(Мусо) деди: "Эй, Раббим! Мени ва биродаримни мағфират қилиб, бизни раҳматингга киритгайсан. Сен раҳмлиларнинг раҳмлироғидирсан!"

Бундан маълум бўладики, Ҳорун а.с. Мусонинг ёрдамчиси, вазири сифатида ахийлик уюшмасининг биринчи вакили бўлган. Демак, фатийлик якка шахс фазилати саналса, ахийлик икки ёки ундан ортиқ шахслар бирлашмаси маъносида келади.

Ҳорун ҳақида луғатларда ўқиймиз: “Ҳорун – (иброний тилда – кўхнишин – тоғда ўтирувчи ёки равшан шўда (равшан бўлган) мазмунида). Муқаддас китобда (биринчи улуғ хабарда) Мисрда Мусонинг укаси, вазири ва суҳандони сифатида берилган. Руҳонийлар ва Яҳудийлар хабарларида унинг хонадонларидан ҳисобланади. Тавротдаги хабарга кўра, Бани Исроил сиғиниши учун тилло бузоқни у ясаган деган фикр келтирилади. Бироқ Қуръонда Мусони пайғамбар ва бузоқни ясаган шахсни Сомирий деб беради ҳамда марҳамат қилинадики, Бани Исроил қавми Мусо йўқлигида унинг (Ҳоруннинг) гапига қулоқ солишмаган ва бузоққа топинувчига айланишган. Ҳурда вафот этган. (Қаранг: Қуръон: Бақара 249, Нисо 161, Альроф 119, Юнус 76, Марям 54, Тоҳо 31, 73, 92, 94, Мўминун 47, Фурқон 37, Шуаро 12, 47, Қасас 34, Софот 114 ва 120).

Кейинги ахий калимаси эса Довуд а.с. ҳузурига келган икки даъвогар (фаришта) томонидан айтилган:

إِنَّ هَذَا أَخِي لَهُ تِسْعٌ وَتِسْعُونَ نَعَجَةً لِوَلِيِّ نَعَجَةٌ وَاجِدَةٌ فَقَالَ أَكْفُلْنِيهَا وَعَزَّنِي فِي الْخِطَابِ (23)

(Ularning biri dedi): "Darvoqe, mana bu mening birodarim, uning to'qson to'qqiz sovliq qo'yi bor, mening esa birgina sovlig'im bordir. Bas, u: "O'shani ham menga topshirgin", -dedi va meni bahsda engib qo'ydi". (Сод)

Қуръони каримдаги қолган 41 та оятдаги “ахий” калимасининг бошқача шаклда қўллангани бўлиб, уларда турли Пайғамбарларга нисбатан “биродари” деган мазмунда кўп қўлланган:

Саййиди коинот с.а.в. ҳазрати Али к.в. ҳақларида шундай марҳамат қилган эдилар: "Ё Али, сен менинг наздимда худди Мусонинг олдидаги Ҳорун кабидирсан". Бухоролик машҳур диний арбоб, соҳиби девон Ғиёсиддин Ғиёсийнинг “Миръоти шаръ” манзумасида ўқиймиз:

Кўрунг рутбасинким, дедилар Наби

Али манга – Мусога Ҳорун каби³⁶...

Абдулбоқий Гулпинарли ёзади: “Футувват Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)дан Алига ўтди. Муҳаммад Алига “Ё Али, Ҳорун Мусога қандай мақом-манзилда бўлса, сен мен учун ўша мақом-манзилдасан”, деди”³⁷.

Демак, рутбада Пайғамбар а.с.га Ҳазрат Али қандай бўлса, Мусо ва Ҳорун рутбалари ҳам шундай бўлган. Бу эса Ҳазрат Али к.в.нинг футувватлик ташкилотини тузган шахс бўлганидан ҳам далолатдир. Абдулбақий Гулпинарлининг мазкур мақоласида футувват силсиласи кўйидагича берилади: “Наққош Аҳмад футувватдаги нисбат шажарасини шундай келтиради: “Али – Салмони Форсий – Сатвон ибни Умайя. Али – Салмони Форсий – Ҳузайфа ал-Яманий – Миқдод ибни Асвад – Абул-изз-ал-Навбий – Ашажжи Бишрий – Ҳофиз-ал-Киндий – Авф ал-Каттоний – ал-Дайламий -

Ўрта асрларда, аниқроғи XI – XII асрлардаги Марказий Осиёдаги биринчи ренесанснинг таназулига сабаб бўлган уруш омилларидан кейин турли ҳудудларда турлича шаклларда уюшмалар пайдо бўла бошлади. Бунинг асосий сабаби эса мўғул босқинидан кейинги вайронагарчиликлар изини бутлаш, ободонлаштириш нияти эди. Халқ ҳаётини яхшилашда фақат юқори табақа вакилларига қараб ўтирмасдан, халқ орасидан касбга йўналган кўнгилилар чиқиб халқ ҳаётинияхшилаш учун ўзаро бирлашиб уюшмалар туза бошлашди. Пайғамбар а.с.нинг “Ал–қасибу ҳабибуллоҳ” ҳадисига таянган мазкур уюшмалар халқ орасида ахийлик уюшмалари деб атала бошланди.

“Мўъмин мўминнинг биродаридир” деган ояти карима мазмуни эса ушбу ушюмаларнинг бош ғояси бўлган. Булар ахийлик ташкилотлари эди. Хивада Паҳлавон Маҳмуд Пурёввалийнинг яшаган даврда, яъни 1248–1322 йиллар айнан ана шундай ташкилотларнинг ривожланган даври бўлди. Паҳлавон Маҳмуд ҳам мўғул вайронагарчиликларидан кейин ҳолдан тойган халқни бошини қаддини ниятида билан Яратган томонидан Хивага юборилган жавонмардлар пешвоси эди.

Ахийлик тушунчасининг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, усмонли турк манбаларида илк ахийлар Анадўлуда пайдо бўлганлиги айтилади. Профессор Фуод Кўпрулуниг “Турк адабиётинда илк мутасаввифлар” асарининг “Юнус Эмрога қадар Анодулида турк адабиёти” бўлимида ахийлик тўғрисида шундай келтирилади: “XIII асрда бир қатор туркий мамлакатларда бўлгани каби Анодулида ҳам ахийлик номли жуда муҳим ва жуда кенг ёйилган бир маслак – тасаввуфий қарашлар асосида шаклланган. Ушбу ахийлар усмонийларнинг илк ҳукмронлиги даврида муҳим бир вазифа бажарганликларини тарихий манбаларда, шунингдек, Ибн Батутанинг саёҳат –мактуботларида кўрамаиз³⁸”.

Шунингдек, баъзи турк олимлари ахийлик ҳақида қарашлари кўйидагичадир: Биринчи қараш: тасаввуфга кирган фатийлар бир бирига юқори эҳтимол билан арабча

³⁷ Theoretical Approaches to the Transmission and Edition of Oriental Manuscripts. Proceedings of a symposium held in Istanbul. March 28-30, 2001. – Beirut: Ercon Verlag Wurzburg in kommission. 2007: Abdūlbāki Gōlpinarli. Islām ve Türk illerinde Fütūvvet teşkilāti. S. 27.

³⁸ Турк адабиётида илк мутасаввифлар.

“ахий” биродарим деб чақиришган. Яъни, Анодолуда қўлланган ахий атамасининг асл мазмуни арабча биродарим маъносидаги калимадан бошқа нарса эмас. Тасаввуфнинг шаклланиши билан идеал қахрамон “фатий” тушунчаси билан аталган бўлса, ахий атамаси билан улар бир бирига мурожаат этишган. Бунга мисол сифатида Занжонда 457/1065 йилларда яшаган Ахий Фараж Занжоний футувват аҳли мутасаввифи сифатида гўзал ўрнақдир. Ахий Фаражнинг шогирдлари орасида иккита шогирди ўша замонда улар футувват аҳли ҳаракатининг давомчилари эдилар. Булар Нахичевонлик Ҳожи Муҳаммад Хушном ва Бала Халилдир³⁹. “Ахий калимасининг манбаси ҳақидаги иккинчи қараш эса сўзнинг “Девони луғатут турк” ва “Атабат ул ҳақойиқ” асарларида келган “қўли очик, жавонмард” мазмунидаги туркча “ақи” асосидан келиб чиққанидир”, дейилади кейинги қарашда. Бу эса нотўғри фикр. Бирор муҳим атаманинг келиб чиқишини ўзакдаги ҳарфнинг ўзгариши билан боғлаб бўлмайди, бу биринчидан. Иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, илк Ахий деб таърифланган киши бу Ҳорун а.с.дир. бу Қуръони карим билан тасдиқланган ва шубҳа бўлиши мумкин эмас. Демак, бу сўзни келиб чиқишини, биринчидан XI асрлардаги Ахий Фараж Занжоний билан ҳам, айна шу даврларда ёзилган Девони луғатут туркдаги мисоллар билан ҳам хулосалаб бўлмайди. Буларни фақатгина ахийликнинг ўша даврдаги кейинги фаолиятига мисол сифатида олиш мумкин.

Бизнингча ахийлик атамасининг келиб чиқиш генезиси ҳам пайғамбарлар тарихи билан боғлиқ. Шу маънода илк ахий атамаси билан аталган киши Мусо а.с.нинг биродари Ҳорун а.с. эди. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ وَجَعَلْنَا مَعَهُ أَخَاهُ هَارُونَ وَزِيْرًا

Қасамки, Биз Мусога Китоб (Таврот) ато етдик ва биродари Ҳорунни у билан бирга вазир етдик. (Фурқон, 35)

Оятда Мусо а.с.га берилган китоб – Таврот билан бирга унга ёрдамчи бўлган Ҳорун а.с.нинг икки сифат айтиб ўтилган:

1. Мусонинг биродари (ахоҳу – акаси ёки укаси маъносида).
2. Мусонинг вазири (ёрдамчиси)

Бундан маълум бўладики, тарихда биринчи ахий – бу Ҳорун а.с.эди.

Мусо а.с.нинг ўзи Яратгандан уни ўзига вазир – ёрдамчи қилиб беришини сўрайди. Бу мазмун “Тоҳо” сураси қуйидаги оятларида шундай марҳамат қилинган:

(29) وَاجْعَلْ لِي وَزِيْرًا مِّنْ اٰهْلِي

Менга ўз аҳлимдан вазир қилгин.

(30) هَارُونَ اٰجِي

Яъни, биродарим Ҳорунни.

(31) اَشْدُدْ بِهٖ اٰزْرِي

У билан белимни бақувват қилгин.

Охирги оятдаги “ушдуд”, яъни шиддатли, бақувват қилгин” калимаси кейинчалик фатийлар орасидаги “шадд боғлаш”, яъни белни боғлаш маросимида

³⁹ Меҳмет Рихтим. Азербайжон тасаввуф тўрунулари илк сўфийлар.

қолган. Демак, Яратганнинг Мусо а.с. томонидан марҳамат қилган мазкур оятида жавонмардларнинг битта маросимига ҳам ишора қилиб ўтилган. Бу оятлардаги белни бақувват қилмоқ ибораси “ушдуд” бақувват қилмоқ сўзи билан берилган. Демак, шадд боғламоқ, белни боғламоқ ибораси айна мазкур оят билан қувватланади.

Мазкур сўз бошқа оятда ҳам келтирилади:

وَأَخِي هَارُونُ هُوَ أَفْصَحُ مِنِّي لِسَانًا فَأَرْسَلْهُ مَعِيَ رِدْءًا يُصَدِّقُنِي إِنِّي أَخَافُ أَنْ يُكَذِّبُونِ (34)

Биродарим Ҳорун мендан кўра тили бурророқ. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан кўрқурман".

قَالَ سَتَشِدُّ عَضُدَكَ بِأَخِيكَ وَنَجْعَلُ لَكُمَا سُلْطَانًا فَلَا يَصِلُونَ إِلَيْكُمَا بِآيَاتِنَا أَنْتُمْ وَمَنْ اتَّبَعَكُمَا الْغَالِبُونَ (35)

(Аллоҳ) айтди: "Биз сени биродаринг билан қувватлантирурмиз ва иккинги учун салтанат (ғалаба ато) қилурмиз. Бас, улар сизларга (бирор) зиён етказа олмаслар. Бизнинг мўжизаларимиз билан сизлар ҳам, сизларга эргашганлар ҳам ғолибдирлар".

“Санашудду” қувватлантирурмиз феъли айна юқоридаги калиманинг бошқача шаклидир. Демак, “шадд боғлаш” маросимининг ибораси ҳам айнан Қуръони каримдаги мазкур калималар билан боғлиқ экан.

Ўзбек адабиётида, аниқроғи фольклорида белида белбоғи бор йигит ибораси учрайди. Айна ибора эса фатийликнинг бир белгиси бўлган белни маҳкам боғламоқ ибораси билан бир хилдир.

Қадимги турк хоқонлиги битикларида, аниқроғи Ўрхун-Энасой ёдгорликлари “Шадд” унвони деган ибора мавжуд. Унга кўра шадд унвонига эга бўлиш учун 700 кишини бирлаштириш керак бўлган. Бу ҳолат эса мазмун-моҳияти жиҳатидан ахийликдаги атрофига одам тўплаш ҳолатига ҳам ўхшайди. Бизнингча, мазкур тушунчанинг келиб чиқиши ҳам аслида ахийлик ташкилоти билан боғлиқ воқеа бўлган. Ҳорун а.с. сифатлари ҳақида эса бошқа бир оятларда ўқиймиз:

وَوَاعَدْنَا مُوسَى ثَلَاثِينَ لَيْلَةً وَأَتَمَمْنَاهَا بِعَشْرِ فِتْمٍ مِيقَاتٍ رَبِّهِ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً وَقَالَ مُوسَى لِأَخِيهِ هَارُونَ اخْلُفْنِي فِي قَوْمِي وَأَصْلِحْ وَلَا تَتَّبِعْ سَبِيلَ الْمُفْسِدِينَ

Мусо билан ўттиз кеча ваъдалашдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Шундай қилиб, Раббининг қирқ кеча дея белгилаган вақти камолига етди. Мусо (кета туриб) ўз биродари Ҳорунга: "Қавмимда (сен қолиб) менинг ўринбосарим бўлгин, (хатоларини) ислоҳ ет ва бузгунчилар йўлига эргашмагин!" - деди. (Аъроф, 142) Бу оятда ҳам Мусонинг биродари Ҳорун ўринбосар сифатида эсланади. Бу ерда ҳам аввалги оятдагидек, вазир маъносида келган.

وَوَهَبْنَا لَهُ مِنْ رَحْمَتِنَا أَخَاهُ هَارُونَ نَبِيًّا (Марям, 53)

Биз унга Ўз фазлимиз билан биродари - Ҳорунни пайғамбар қилиб бердик.

Бу оятда эса Мусонинг биродари Ҳорун пайғамбар сифатида эсланади. Кейинги оятда ҳам Ҳорун а.с. Мусо а.с.нинг (ахоҳу) биродари сифати билан келган.

ثُمَّ أَرْسَلْنَا مُوسَى وَأَخَاهُ هَارُونَ بِآيَاتِنَا وَسُلْطَانٍ مُبِينٍ (45)

Сўнгра Биз Мусо ва унинг биродари Ҳорунни мўжизаларимиз ва аниқ ҳужжат билан юбордик. (Мўминун, 45).

قَالُوا أَرْجِهْ وَأَخَاهُ وَأَبْعَثْ فِي الْمَدَائِنِ حَاشِرِينَ (36)

Улар айтишди: "Уни ва акаси (Ҳорун)ни қўйиб тургин-да, ҳамма шаҳарларга (сеҳргарларни йиғиб келадиган кишиларни) жўнатгин! (Шуаро, 36).

Шунингдек, қуйидаги оятларда ҳам ахий калимаси келтирилган бўлиб, унда ҳам Мусо ва Ҳорун а.с.лар воқеаси марҳамат қилинган:

وَلَمَّا رَجَعَ مُوسَى إِلَى قَوْمِهِ غَضْبَانَ أَسِفًا قَالَ بِئْسَمَا خَلَفْتُمُونِي مِنْ بَعْدِي أَعَجِلْتُمْ أَمْرَ رَبِّكُمْ وَأَلْقَى الْأَنْوَاحَ وَأَخَذَ بِرَأْسِ أَخِيهِ يَجُرُّهُ إِلَيْهِ قَالَ ابْنَ أُمَّ إِنَّ الْقَوْمَ اسْتَضَعُّوْنِي وَكَادُوا يَقْتُلُونَنِي فَلَا تُشْمِتْ بِيَ الْأَعْدَاءَ وَلَا تَجْعَلْنِي مَعَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ (150)

Мусо ўз қавми сари (Тур тоғидан) қайтар экан, (қавмининг қилмишларидан) газабланган ва таассуфланган ҳолда: "Менга ортимдан қандай ҳам ёмон ўринбосар бўлдингиз-а?! Раббингиз амри (келмай туриб) шошқалоқлик қилдингизми?" - деб (қўлларидаги) лавҳларни ташлаб, акасининг боши (сочи)дан тутиб ўзига тортди. (Акаси Ҳорун) деди: "Эй, онамнинг ўғли! Бу қавм мени заиф билиб, ўлдиришларига сал қолди. Энди, сен (ҳам) мени душманларга кулги қилмагин ва мени золимлар (сафи)га қўшмагин!" (Аъроф, 150)

قَالَ رَبِّ اغْفِرْ لِي وَلِأَخِي وَأَدْخُلْنَا فِي رَحْمَتِكَ وَأَنْتَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ

(Мусо) деди: "Эй, Раббим! Мени ва биродаримни мағфират қилиб, бизни раҳматингга киритгайсан. Сен раҳмлиларнинг раҳмлироғидирсан!" (Аъроф, 151)

Кейинги оятда эса Юсуф а.с. "ахий" калимаси билан марҳамат қилинган:

قَالَ هَلْ آمَنُكُمْ عَلَيْهِ إِلَّا كَمَا آمَنَ تَكُفُّوا عَلَىٰ أَخِيهِ مِنْ قَبْلُ فَاللَّهُ خَبِيرٌ حَافِظٌ وَهُوَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ

(Яъқуб) деди: "Мен уни сизларга илгари унинг акасини ишонганимдек ишонайинми?! (Лекин) Зотан, Аллоҳ енг яхши сақлагувчидир ва У меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир". (Юсуф, 64)

Кейинги оят ҳам Юсуф а.с. воқеаси билан боғлиқ ҳолда келтирилган ва бунда Ибни Ямин шу сўз билан эсланган:

فَلَمَّا جَهَّزَهُمْ بِجَهَّازِهِمْ جَعَلَ السَّفِيَةَ فِي رَحْلِ أَخِيهِ ثُمَّ أَذَّنَ مُؤَذِّنٌ أَيُّهَا الْعِبرُ إِنَّكُمْ لَسَارِقُونَ

Бас, уларнинг ҳожатларини раво қилгач, инисининг юки орасига (билдирмай) бир қадахни солиб қўйди. Сўнгра жарчи: "Эй карвон (эгалари), сизлар ўғридирсизлар", - деб жар солди. (Юсуф, 70)

Бизнингча ахийлик атамасининг келиб чиқиш генезиси пайғамбарлар тарихи билан боғлиқ ва шу маънода илк ахий атамаси билан аталган киши Мусо а.с.нинг биродари Ҳорун а.с.дир. Қуръони каримда марҳамат қилинганидек:

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ وَجَعَلْنَا مَعَهُ أَخَاهُ هَارُونَ وَزِيْرًا

Қасамки, Биз Мусога Китоб (Таврот) ато етдик ва биродари Ҳорунни у билан бирга вазир етдик. (Фурқон, 35)

Оятда Мусо а.с.га берилган китоб – Таврот билан бирга унга ёрдамчи бўлган Ҳорун а.с.нинг икки сифат айтиб ўтилган:

1. Мусонинг биродари (ахоҳу – акаси ёки укаси маъносида).
2. Мусонинг вазири (ёрдамчиси)

Бундан маълум бўладики, тарихда биринчи ахий – бу Ҳорун а.с.эди.

Мусо а.с.нинг ўзи Яратгандан уни ўзига вазир – ёрдамчи қилиб беришини сўрайди. Бу мазмун “Тоҳо” сураси қуйидаги оятларида шундай марҳамат қилинган:

(29) *وَاجْعَلْ لِّي وَزِيْرًا مِّنْ اَهْلِي*

Менга ўз аҳлимдан вазир қилгин.

(30) *هٰزُوْنَ اٰخِي*

Яъни, биродарим Ҳорунни.

(31) *اشْدُدْ بِهٖ اَزْرِي*

У билан белимни бақувват қилгин.

Охирги оятдаги “ушдуд”, яъни шиддатли, бақувват қилгин” калимаси кейинчалик фатийлар орасидаги “шадд боғлаш”, яъни белни боғлаш маросимида қолган. Демак, Яратганнинг Мусо а.с. томонидан марҳамат қилган мазкур оятида жавонмардларнинг битта маросимига, яъни шадд боғлашга ишора қилиб ўтилган. Бу оятлардаги белни бақувват қилмоқ ибораси “ушдуд” бақувват қилмоқ сўзи билан берилган. Демак, шадд боғламоқ, белни боғламоқ ибораси айна мазкур оят билан қувватланади.

Ҳусайн Воиз Кошифий асарининг “Шадд маъноси ва унга тааллуқли нарсалар хусусида” деб номланган бешинчи фаслида ўқиймиз: “Агар шадднинг маъноси нима, деб сўрасалар жавоб бериб айтгинки, ушбу сўзнинг маъноси бештадир, биринчиси – мустаҳкамлаш, асосни яратиш; иккинчиси – хужум қилиш; учинчиси – чопиш; тўртинчиси – қувватлантириш; бешинчиси – қуёшнинг кўтарилиши. Аммо футувват истилоҳида мардлар аҳлининг аҳдига вафо қилиб, пирнинг амрига итоат этишини шадд, деб айтадилар. Агар “шадд”нинг луғавий ва истилоҳий маънолари орасида қандай яқинлик бор, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгинки, биринчидан, аҳд боғлаш солиҳнинг ўз ишига устиворлигини кўрсатади, зеро мардлик белбоғини боғлаган аҳдига вафо қилади⁴⁰”. Бундан маълум бўладики, футувватдаги шадд боғлаш бу Ҳорун а.с. билан боғиқ маросимдир. Яъни, Ҳорун а.с. Мусо а.с.нинг ҳузурида шадд боғлаган дастлабки футувват соҳиби ҳисобланади.

⁴⁰ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржи. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 194, -Б.32.